

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.B.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЖУМАЕВ ФАЗЛИДДИН ҚУРБОНОВИЧ

**ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ ҚИЗИЛҚУМ ГЕРПЕТОФАУНАСИ АНТРОПОГЕН
ТАЪСИРИ ШАРОИТИДА**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундаражаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Жумаев Фазлиддин Қурбонович

Жануби-Ғарбий Қизилқум герпетофаунаси антропоген таъсири
шароитида..... 3

Жумаев Фазлиддин Қурбонович

Герпетофауна Юго-Западного Кызылкума в условиях антропогенного
воздействия 21

Jumayev Fazliddin Qurbonovich

The herpetofauna of the South-Western Kyzylkum in the conditions of
anthropogenic impact 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.B.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЖУМАЕВ ФАЗЛИДДИН ҚУРБОНОВИЧ

**ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ ҚИЗИЛҚУМ ГЕРПЕТОФАУНАСИ АНТРОПОГЕН
ТАЪСИРИ ШАРОИТИДА**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/B163 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Зоология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.zoology.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шерназаров Элмурод Шерназарович
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Азимов Джалолиддин Азимович
биология фанлари доктори, профессор, академик

Жабборов Абдурашид Раимович
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Зоология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.B.52.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «05» июль соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232^б- уй. Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 289-04-65; факс: (+99871) 289-10-60; E-mail: zoology@academy.uz)

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 44 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232^б- уй. Тел.: (+99871) 289-04-65

Диссертация автореферати 2022 йил «21» июнь куни тарқатилди.

(2022 йил «21» июндаги 2-рақамли реестр баённомаси).

Б.Р.Холматов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси. б.ф.д., профессор

Г.С.Мирзаева

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, б.ф.д., катта
илмий ходим

А.Э.Кучбоев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида аҳоли сонининг ўсиши, қишлоқ хўжалиги экинлари учун ўзлаштирилган ҳудудлар майдонининг кенгайиши, аҳоли яшаш комплекслар ва ишлаб чиқариш объектлари қурилиши натижасида жойларнинг инфраструктурасини ўзгариши, нефть-газ ва бошқа қазилма саноати тармоқларини ривожланиши герпетофаунанинг хилма-хиллигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, табиий ландшафтларнинг бузилиши оқибатида ёввойи ҳайвонлар яшаш жойларининг қисқариши, сонини камайиши ва заиф турларни йўқ бўлиб кетишига олиб келмоқда. Шунга кўра, биологик хилма-хилликнинг компоненти ва ресурси герпетофаунани сақлаш мақсадида антропоген трансформацияси шароитида амфибия ва рептилиялар популяциялари ҳолатини баҳолаш ва уларнинг ўзгариш тенденцияларини аниқлаш, ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги турларни муҳофаза қилиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда амфибия ва рептилиялар хилма-хиллигини аниқлаш, турли омиллар таъсирида уларнинг табиий ва антропоген ландшафтларда тарқалишини аниқлаш ҳамда камайиб ва йўқолиб кетаётган турларни сақлаб қолиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан герпетофаунани тадқиқ этиш, экотизимлардаги замонавий тарқалиш хусусиятларини аниқлаш, муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ва биоресурслардан оқилона фойдаланиш йўллариини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикаимизда барқарор ривожланиш учун муҳим бўлган атроф-муҳитни ва биологик хилма-хиллигини сақлаш ҳамда экотизим барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан табиий экотизимлар барқарорлигини таъминлаш, ҳайвонларнинг камёб ва йўқолиб бораётган турларини муҳофаза қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Хусусан, 2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясида¹ “...биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланишни таъминлаш, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни ривожлантириш ва кенгайтириш, табиий экологик тизимларнинг таназзулга учраш суръатларини пасайтириш, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг камёб ва йўқолиб бораётган турларини қайта тиклаш” вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Жануби-Ғарбий Қизилқум герпетофаунаси биохилма-хиллигини аниқлаш, улар тарқалишига абиотик омилларнинг таъсирини баҳолаш, чўл экосистемасида барқарор бўлмаган шароитда амфибия ва рептилияларнинг янги муҳитга муносабатини, инсон фаолиятининг герпетофаунага таъсирини аниқлаш ҳамда камёб, эндемик ва муҳофазага

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 11 июндаги 484-сон қарори.

мухтож турларни сақлаб қолиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрдаги «Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги» Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 сентябрдаги ПК-3256-сон «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти ва Зоология институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 ноябрдаги 914-сон «Хайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисобини, улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги 484-сон «2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларини амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳитни муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Амфибия ва рептилияларнинг тур таркибини аниқлаш, уларнинг тарқалиш ареалларини хариталаштириш, муҳофаза чораларини ишлаб чиқиш, ҳамда антропоген омилларнинг таъсирини таҳлил қилиш борасида хорижлик олимлар: R. Sindaco ва бошқ., (2008, 2011), С.Ј. Brown ва бошқ., (2013), E. Zhao ва K. Adler (1993) ва МДХ мамлакатларида Н.Б. Ананьева, Н.Л. Орлов ва бошқ. (2004), А.М. Алекперов (1978), Ч. Атаев (1985), З.К. Брушко (1995), В.И. Гаранин (1983), И.С. Даревский, Н.А. Орлов (1988), С.А. Саид-Алиев (1979), Т.С. Саттаров (1993), С.Шаммаков (1981), Н.Н. Щербак, М.И. Щербань (1980) ва бошқа олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Ўзбекистон чўл зонаси герпетофаунаси сўнгги 50 йил давомида мақсадли ўрганилмаган. Ўтган асрнинг иккинчи яримида Ўзбекистоннинг сувда ҳамда қуруқликда яшовчилари ва судралиб юрувчилари фаунаси, экологияси, хўжалик аҳамияти бўйича тадқиқотлар чуқур таҳлил қилиниб, О.П. Богданов (1960), Т.З. Захидов (1938; 1971) лар томонидан илмий асарлар яратилган, бироқ мазкур тадқиқот материаллари амфибия ва рептилияларнинг ҳозирги ҳолатини ифодалай олмайди. Шунингдек, кейинги йилларда инсон фаолиятини, айниқса ирригация-мелиорация тадбирларини герпетофаунага таъсирини ёритувчи ишлар нашрдан чиқди. Э.В. Вашетко, З.Я. Камалова (1978), Г.С. Куликова ва бошқ., (1984), Г.И. Шенброт, Г.С. Куликова (1985), Г.И. Шенброт (1988), Д.А. Бондаренко (1985; 1994), Д.А. Бондаренко, Е.А. Перегонцев (2017), Н.Б. Ананьева ва бошқ., (2004), Т. Martin ва бошқ., (2017), ва бошқа олимларнинг ишлари, бу регионда антропоген трансформациясини ҳайвонларга таъсирини ўрганишни

бошланиш даври ҳисобланади. Шунга кўра, Жануби-Ғарбий Қизилқум герпетофаунаси, популяцияларининг замонавий ҳолатини баҳолаш, ўзгариш тенденцияларини аниқлаш, антропоген омилларнинг салбий таъсирини таҳлил қилиш, ноёб турларни муҳофаза қилиш усуллари амалиётга тадбиқ этиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Зоология институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А7-0-ФА-0-54355 «Ўзбекистоннинг ноёб ва йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги умуртқали ҳайвонлар турлари ва уларни сақлашнинг оптималлаштириш йўллари» (2012-2014), ФА-А7-Т009 «Ўзбекистоннинг ҳозирги шароитида умуртқали ҳайвонларни сақлаш ва барқарор фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида уларга таъсир этувчи салбий таъсирларни баҳолаш» (2015-2017) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Жануби-Ғарбий Қизилқумнинг табиий ва ўзгарган ландшафтларида, антропоген омиллар таъсирида герпетофаунанинг ҳозирги ҳолатини баҳолаш, ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги турларни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Жануби-Ғарбий Қизилқум герпетофаунасини инвентаризация қилиш, жумладан, турлар таркиби ва биотопик тақсимланишини аниқлаш;

амфибия ва рептилиялар популяцияларининг ҳолатини баҳолаш ва уларнинг ўзгариш тенденцияларини асослаш;

амфибия ва рептилияларни яшаш жойларига антропоген омиллар таъсирини таҳлил қилиш;

ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги турларни сақлаш йўллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида сувда ҳамда қуруқликда яшовчилар ва судралиб юрувчилар олинган.

Тадқиқотнинг предмети герпетофауна турлари таркиби, ҳудудий тақсимланиши, зичлиги, антропоген омиллар таъсири ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда герпетологик, экологик ва статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Жануби-Ғарбий Қизилқум табиий ва маданий ландшафтлар герпетофаунаси тур таркиби, биотопик тақсимланиши, зичлиги ҳамда мавсумий сон динамикасининг замонавий ҳолати баҳоланди;

герпетофаунанинг 7 турини (*Phrynocephalus reticulatus*, *Crossobamon evermanni*, *Tenuidactylus caspius*, *Teratoscincus scincus*, *Eremias grammica*, *Lytorhynchus ridgewayi* ва *Echis carinatus*) ареалининг кенглиги ва 4 турини (*Pelophylax ridibunda*, *Ablepharus deserti*, *Natrix tessellata* ва *Spalerosophis diadema*) янги яшаш жойларини ўзлаштирганлиги аниқланган;

яшил қурбақани *Bufotes viridis* чўл шароитида репродуктив хусусиятлари очиқ берилган;

ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ҳамда овланадиган турлар кадастри ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

табiiй ресурслардан, жумладан иқтисодii аҳамиятга эга амфибиялар ва рептилияларни табиатдан олиш учун квотани шакллантиришда фойдаланиш усуллари очиб берилган;

Жануби-Ғарбий Қизилқум табiiй ва маданий ландшафтлар герпетофаунасининг ўзгаришларини баҳолаш, салбий жараёнлар оқибатларини олдини олиш ва бартараф этиш, биотопик тақсимланиши, микдорii кўрсаткичлари барқарорлигини таъминлаш мақсадида ҳайвонот дунёси объектлари мониторингини юритиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

муҳофаза остидаги турларини илмii асосда сақлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқишда тадқиқот маълумотларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда классик ва замонавий усулларнинг қўлланилганлиги ҳамда илмii ёндашувлар, таҳлиллар асосида олинган натижаларни назарii маълумотларга мос келиши, уларнинг етакчи илмii нашрларда чоп этилганлиги, илмii ҳамжамият томонидан давлат амалий лойиҳаларини бажариш давомида тан олинганлиги, морфометрик маълумотларни Biostat дастурида статистик таҳлил қилинганлиги ва амалий натижаларни ваколатли давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмii ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмii аҳамияти Жануби-Ғарбий Қизилқум герпетофаунасининг антропоген шароитида ўзгаришини, табiiй ва маданий ландшафтларда уларни ҳозирги ҳолатини, айрим турларнинг ареалини, яшаш жойларини кенгайганлигини, ўзлаштирилган ҳудудларда герпетокомплексни шаклланиш жараёнини таҳлил қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Жануби-Ғарбий Қизилқум табiiй экотизимини жадал ўзлаштирилаётган даврида амфибия ва рептилияларнинг сонини, яшаш жойларини деградацияга учраш сабабларини таҳлили орқали иқтисодii аҳамиятга эга турлар ресурсларини сақлаш ва барқарор фойдаланишда асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жануби-Ғарбий Қизилқум герпетофаунаси антропоген таъсири шароитида мавзуси бўйича олинган илмii натижалар асосида:

судралиб юрувчиларнинг 26 туридан йиғилган 110 нусха рептилия намуналари республикада етакчи бўлган “Зоология коллекцияси” ноёб объектига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 12 ноябрдаги 4/1255-2474-сон маълумотномаси). Натижада, намуналар герпетофауна коллекцияси фондини бойитиш ва электрон маълумотлар базасини яратиш имконини берган;

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига ва Халқаро қизил рўйхатга киритилган рептилияларнинг ноёб турларини сақлаш, ёввойи ҳайвон турларидан барқарор фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2021 йил 11 январдаги 02-02/8-129-сон маълумотномаси). Натижада, герпетофауна ресурслардан барқарор фойдаланиш учун квота таркиби ва ҳажмини шакллантириш имконини берган;

ўрмон фонди ерларида герпетофаунани сақлаш ва унинг ресурслардан барқарор фойдаланиш юзасидан ишлаб чиқилган тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2021 йил 9 мартдаги 05/21-1170-сон маълумотномаси). Натижада, ўрмон фонди ерларида герпетокомплексни сақлаш ва барқарор фойдаланиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш нашр этилган бўлиб, шундан ЎЗР ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (5 та республика ва 1 та хорижий журналларда), 9 та тезис халқаро ва маҳаллий анжуманларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация иши кириш, олти боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Жануби-Ғарбий Қизилқум ва қўшни ҳудудлар герпетофаунасининг ўрганилганлик даражаси”** деб номланган биринчи бобида амфибия ва рептилияларни ўрганиш бўйича турли ҳудудлар ва даврларда олиб борилган фаунистик тадқиқотлар таҳлил қилинган ва жадал ривожланиб бораётган антропоген жараёнларнинг герпетокомплексга ва уларни яшаш жойларига таъсири, ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги, ҳамда иқтисодий аҳамиятга эга турларни сақлаш ва барқарор фойдаланишнинг оптимал йўллари ишлаб чиқиш бугун ҳам актуал масалалар бўлиб қолаётганлиги таъкидланган.

Диссертациянинг **«Жануби-Ғарбий Қизилқум герпетофаунасини антропоген таъсири шароитида ўрганиш услублари ва материаллари»**

деб номланган иккинчи бобида 2015-2020 йй. баҳор, ёз, куз мавсумларида табиий ва ўзлаштирилган ландшафтларда стационар ва маршрутли тадқиқотлар олиб борилди (1 - расм).

Амфибия ва рептилияларнинг тур таркиби, тарқалиши, биотопик тақсимланиши, зичлиги, сонининг динамикаси ва айрим турларнинг кўпайиш биологиясини ўрганиш, яшаш жойларини аниқлашда умумий қабул қилинган зоологик, герпетологик методлардан фойдаланилди (Терентьев ва Чернов, 1949; Динесман, Колецкая, 1952; Новиков, 1953; Кузякин, 1962; Щербак, 1966; Гаранин, Даревский, 1987; ва бошқ.).

Табиий ва ўзлаштирилган зоналарда амфибия ва рептилиялар сонини аниқлашда доимий ва вақтинчалик маршрутларда 1146 санок ўтказилди (кундузи - 986, тунги – 160). Маршрутларнинг умумий узунлиги 1290 км (кундузги – 1081,2 км, тунги – 208,8 км.) ташкил этди. Қиёсий маълумотлар олиш мақсадида Карнабчўл, Яккачакка қумлиги ва Газли атрофининг герпетофаунаси ўрганилди. Тадқиқотлар олиб борилган ҳудудларнинг географик координатлари Garming E-Trex новигатори ёрдамида аниқланди.



1- расм. Стационар ва маршрутли тадқиқотлар пунктлари

Материаллар йиғилган стационарлар, маршрутлар, пунктлар, нукталар, турларни яшаш жойлари схемаларини картаграфик асос сифатида киритиш учун Google Earth Pro, US Dept of State Geographer, 2018 программаси космос суратларидан фойдаланилди.

Диссертациянинг **“Жануби-Ғарбий Қизилқумнинг табиий ва ўзлаштирилган ҳудудлари герпетофаунасининг ҳозирги таркиби”** деб номланган учинчи бобида адабиёт ва йиғилган материалларни таҳлили асосида Жануби-Ғарбий Қизилқум герпетофаунаси амфибияларнинг 1 туркум (*Anura*), 2 оила (*Bufonidae* ва *Ranidae*), 2 тур ва рептилияларнинг 3 туркум (*Testudines*, *Sauria* ва *Serpentes*), 10 оила (*Testudinidae*, *Agamidae*, *Gekkonidae*, *Lacertidae*, *Scincidae*, *Varanidae*, *Boidae*, *Colubridae*, *Elapidae*, *Viperidae*), 33 турдан иборатлиги қайд этилди.

Ҳудуднинг экологик хусусиятларидан келиб чиқиб, герпетокомплекс бир хилда шаклланмаган. Чўл зонасининг фаунаси ўзлаштирилган ҳудудлар фаунасига нисбатан бой, яъни табиий ҳудудларда амфибия ва рептилияларнинг 32 тури учраса, ўзлаштирилган ҳудудларда 21 тур учрайди.

Судралиб юрувчиларнинг 7 тури (*Testudo horsfieldii*, *Varanus griseus*, *Eryx miliaris*, *Eryx tataricus*, *Boiga trigonata*, *Lytorhynchus ridgewayi*, *Naja*

oxiana) Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига кирган. Шулардан Ўрта Осиё чўл тошбақаси халқаро Қизил рўйхатга ва CITES II иловасига, бўз эчкемар CITES I иловасига, кум ва шарқ буғма илонлари, Ўрта Осиё кобраси CITES II иловасига киритилган.

Кенг тарқалган турлар тоифасига яшил қурбақа, Ўрта Осий чўл тошбақаси, дашт ағамаси, тароқ бармоқли, каспий ва кулранг гекконлар, тўр, ўртача, чизикли, тез калтакесакчалар, кум бўғма илони, ўқилон, кўндаланг йўлли, холдор чипор илонлар киради.

Жануби-Ғарбий Қизилқумда 7 тур: матрап тўғаракбоши, тароқ бармоқли, каспий, сцинк гекконлари, тўр калтакесакча, афғон литоринхи ва кум чархилони ареалини кенгайтирган. Бундан ташқари 4 тур - қўл бақаси, чўл тақиркўзлиси, сувилони ва холдор чипор илонлар янги яшаш жойларни ўзлаштиришга эришди.

Яшил қурбақа гидротехник иншоотлар қурилиши натижасида яшаш жойларини кенгайтирди, сони бир мунча ўсди. Қарнабчўлда Биткана артезиан қудуғидан ҳосил бўлган ботқоқли ҳавзада 2016 й 15 майда 864 итбалиқ саналди.

Газли шаҳри канализация сувини тозалаш иншоотининг сувни тиндириб тозалайдиган ҳавзасини ҳар бирида 8 апрелда 180 итбалиқ кузатилди. Биринчи марта 7 майда иккита ёш қурбақа учради. Март ойида 1 км маршрутда 3,3 дона қурбақа учради, апрелда – 2,9, майда – 3,4. Газли шаҳрининг асфальт йўлларида мартда 1 км 3 донагача учради, апрелда – 1,7. Янги ташкил топган сув ҳавзалари бу турнинг сонини ўсишига имкон яратди.

Қум чархилони ўтган асрни ўрталаригача республикани жанубида Термиз, Шўрчи ва Қорасув атрофларида (Богданов, 1960), Оролпайғамбарда (Ядгаров, 1984), ғарбий Қизилқумнинг Орол денгизи чегарасигача (Сыроечковский, 1953) тарқалганлиги маълум бўлган. Кейинги йилларда Қарши чўли ва Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида янги яшаш жойлари аниқланди (Карпенко, 1967; Захидов, 1971; Шенброт, Куликова, 1985; Ядгаров, Махмудов, Ходжаев, 1992; Жумаев, Шерназаров, 2020). Юқоригидагиларни инобатга олиб қум чархилони ареали чегарасига (Банников ва бош., 1977) ўзгартиш киритиш керак (2 – расм).


Аму-Бухоро ва Аму-Қорақўл магистрал каналларининг қурилиши Жануби-Ғарбий Қизилқумнинг табиий шароитини ўзгаришига олиб келади. 1980-1982 йй Г.И.Шенброт ва Г.С. Куликова (1985) Бухоро вилоятининг жанубида судралиб юрувчиларни ўрганганда сувилони қайд этилмаган. 10 йилдан кейин (1992-1993 йй) Бухоро «Жайрон» питомнигида (Карманов, Загребин, Вашетко, 2001) сувилонни яшаши аниқланган.

Жануби-Ғарбий Қизилқумда Қарнабчўл, Ўртачўл, Маликчўл, Кемирекқумнинг сув борган қисмига, Бухоро вилояти агроландшафтлари суғориш тизими орқали сувилон янги ҳудудларга тарқалган (3 – расм).


Диссертациянинг **“Амфибия ва рептилияларнинг табиий ландшафт биотоплари бўйича тақсимланиши ва уларни сони”** деб номланган тўртинчи бобида ўрганилган 5 биотоп герпетофаунасининг таркиби ва сонининг динамик ўзгаришига характеристика берилган.

4.1. Ярим қаттиқ мустаҳкамланган қумлар герпетофаунаси ва сонининг ўзгариш динамикаси. Бу биотопда 3 туркум (*Testudines*, *Sauria* ва *Serpentes*), 7 оилага мансуб (*Testudinidae*, *Agamidae*, *Gekkonidae*, *Lacertidae*, *Varanidae*, *Boidae*, *Colubridae*) 20 тур судралиб юрувчилар қайд этилди.

Ўрта Осиё чўл тошбақаси Қарнабчўлда мартда 1-4 дона/га, апрелда – 0,5-1,9, майнинг иккинчи ярмида 2,3 саналди. Газли атрофида апрелда 2-6 дона/га, майда – 0,5-3,5. Яккачаккада баҳор ойлари 1-11 дона/га ҳисобланди.



2 – расм. *E. carinatus* ареалини кенгайиши



3 – расм. *N. tessellata* ареалида яшаш ҳудудининг кенгайиши

Қум тўғаракбоши Қарнабчўлда сони бўйича доминантдир. Баҳорда $9,3 \pm 2,5$ дона/га, ёзда – $14,4 \pm 1,1$, кузда – $4,0 \pm 1,0$ (4 – расм). Июнда ёш ва вояга етганларининг нисбати 1,0:1,3 тенг, июль, август ва сентябрда – 1,1:1,0, октябрда – 1,4:1,0. Газли атрофида, Яккачакка қумлигида сони баланд.

Қизил қулоқ калтакесак Қарнабчўлда 27-28 мартда кузатилди. Апрельда кам сонли, майнинг ўрталарида сони ўсади. Июнда зичлиги 0,5 - 7,0 дона/га, июлда – 0,5-4,0, августда – 0,5-4,4, сентябрь – 1,0 атрофида. Газли атрофида ва Яккачакка қумлигида баҳорда 1-4 дона/га учради.


Дашт агамаси баҳорда кам сонли тур. Қарнабчўлда мартда 0,2 дона/га ҳисобга олинди, апрелда – 0,4-1,5, майда – 0,4-1,0. Июнда 0,5-6,0 дона/га, июлда – 1-4,0, августда – 0,5-5,7. Ўртача мавсумий сони - баҳорда 0,3 дона/га, ёзда – 1,9, кузда – 0,2. Газли атрофида мартда 1-2 дона/га саналди, апрелда – 1-4, майда – 0,5-3. Яккачакка қумларида мартда 1-4 дона/га ҳисобга олинди, апрелда – 3 ва майда – 2. Баҳорда ўртача сони 1,6 дона/га.

Тароқ бармоқли геккон мартни охирида фаол. Қарнабчўлда июнда зичлиги 2,2 дона/га, июлда - 3,6. Сентябрьда фаоллиги пасаяди, октябрнинг бошларида камроқ учрайди. Ёзда ёш ва вояга етганлари нисбати 1,1:1,0 тенг. Газли атрофида март - майда 1-6 дона/га, Яккачакка қумларида- 2-4.


Каспий, туркестон ва кул ранг гекконларнинг баҳорги зичлиги 0,1-3 дона/га ташкил топган. Сцинк геккони сони бўйича етакчи ўринни эгаллайди. Қарнабчўлда ёзда ёш калтакесаклар ҳисобига сони максимал кўтарилади (5 – расм). Июннинг иккинчи ярмида ёш ва вояга етганлари нисбати 1,2:1,0 иборат, июлда – 1,1:1,0, августда – 1,2:1,0, сентябрда - 1,7:1,0, октябрда - 1,8:1,0. Газли, Яккачакка қумлигида ёзда сони 60-70 дона/га етди.

Тўр калтакесакча кўп сонли тур. Сони сезиларли даражада ўзгариб туради (6 – расм). Қарнабчўлда июнь-июлда ёш ва вояга етганлари нисбати

1,1:1,0, августда – 1,4:1,0. Куз ойларида - 1,1:1,0. Газли атрофида мартда сони нисбатан кам (0,8 дона/га), апрелда – 3,9, майда – 4,1. Яккачакка кумларида мартда сони 3 дона/га, апрелда – 6,6, майда - 6,2.




4 – расм. *Ph. interscapularis* сонининг динамикаси




5 – расм. *T. scincus* сонининг динамикаси

Ўртача калтакесакча кам сонли тур. Қарнабчўлда баҳор даврида 0,2 дона/га. Ёзда сони 0,4 кўтарилди. Газли атрофида зичлиги 0,7 дона/га, Яккачакка кумларида 1-2 дона/га ташкил этади.

Чизиқли калтакесакчани Қарнабчўлда ёз ойларида сони ўсади (7 – расм). Июнда ёш ва вояга етганлари нисбати 1,0:1,4 тенг. Июлда 1,0:1,0, август – 1,4:1,0. Газли атрофида баҳор ойларидаги зичлиги 1 дона/га. Яккачакка кумларида мартда 1 дона/га учради, апрелда – 2,3, майда – 5.



6 – расм. *E. grammica* сонининг динамикаси



7 – расм. *E. lineolata* сонининг динамикаси

Тарғил калтакесакча кам сонли тур. Қарнабчўлда баҳорда 0,5-2 дона/га учради, июлда – 0,5-5, августда – 0,5-3,3. Сентябрь - октябрда фақат ёшлари кузатилди. Июнь ойида ёш ва вояга етганларининг нисбати 1,0:1,4 тўғри келади, июль ва августда – 1,1:1,0. Газли атрофида ва Яккачакка кумларида баҳорги сони 1 дона/га дан кам.

Тез калтакесакчани Қарнабчўлда баҳор ва ёз мавсумларида сони 0,1 - 0,6 га/дона. Газли ва Яккачакка кумларида баҳорги зичлиги 0,2-0,3 дона/га.

Бўз эчкемар, кум ва шарқ бўғма илонлари, кўндаланг йўлли ва холдор чипор илонларнинг сони 0,1-0,2 дона/га ташкил этади. Қарнабчўлда ўқилоннинг баҳорги сони 0,1-0,2 дона/га, июнда - 0,5-3, июлда – 1-2,5, августда – 0,5-1,6. Газли ва Яккачаккаларда илонлар зичлиги 0,1 дона/га.

Доимий учрайдиган турлар гуруҳи 8 турдан иборат (*T. horsfieldii*, *Ph. mystaceus*, *T. agilis*, *C. evermanni*, *E. intermedia*, *E. lineolata*, *E. scripta*, *E. velox*).

Рептилияларни 8 тури (*T. caspius*, *T. fedtschenkoi*, *M. russowi*, *V. griseus*, *E.*

miliaris, *E. tataricus*, *P. karelini*, *P. lineolatus*, *S. diadema*) камдан-кам учрайди.

Сонининг кўплиги бўйича *Ph. interscapularis* (баҳорда рептилиялар сонини 45,0% ташкил этди, ёзда – 28,2%, кузда – 32,5%), *T. scincus* (баҳорда 19,5% ташкил этди, ёзда – 27,0%, кузда – 30,1%), *E. grammica* (баҳорда 17,9% ташкил этди, ёзда – 18,6%, кузда – 29,3%).

4.2. Қаттиқ зичлашган тупроқлар герпетофаунаси ва сонининг ўзгариш динамикаси. Бу биотопда 1 туркум (*Anura*), 1 оила (*Bufo*idae) га мансуб амфибияларнинг 1 тури ва 3 туркум (*Testudines*, *Sauria* ва *Serpentes*), 7 оила (*Testudinidae*, *Agamidae*, *Gekkonidae*, *Lacertidae*, *Varanidae*, *Boidae*, *Colubridae*) га мансуб рептилияларнинг 19 тури қайд этилди.

Яшил қурбақанинг Қарнабчўлда баҳор давридаги сони 0,3 дона/га, ёзда – 0,2. Газли атрофида мартда зичлиги 2,5 дона/га, апрелда – 0,8, майда – 1,6.

Ўрта Осиё чўл тошбақаси Қарнабчўлда мартда 0,5-3,2 дона/га (ўртача – 1,4) учрайди, апрелда – 0,6-1,4 (3,7), майда – 0,2-2 (0,6). Газли атрофларида мартда 1-8 (2,1) дона/га учради, апрелда – 0,7-6 (2,7), майда – 0,5-7 (3,2). Яккачакка қумларида баҳор мавсумида 2,8 - 3,7 (2,8) дона/га.

Дашт ағамаси Қарнабчўлда мартдаги сони 0,4-0,8 дона/га етди, апрель - 1,3-1,8, майда – 1,0-3,0. Июнда сони 1,5-4,5 дона/га ўзгарди, ўртача 2,8, июлда – 0,9-4,3 (2,9), августда – 1,3-7,5 (3,1). Кузда сони пасайди: сентябрда 0,3-3,5, (1,1) , октябрда – 0,5-3,5, (0,8). Газли атрофларида мартда 0,5-2 дона/га (ўртача 0,8) учради, апрелда – 0,7-5 (1,7), майда – 1,5-5 (1,9). Яккачакка қумларида баҳорда унинг сони 1 дона/га яқин.

Тақир тўғаракбоши Қарнабчўлда баҳор ойларида камроқ учради (0,1-0,2 дона/га). Ёзда сони ўсади: июнда 0,5-1,7 (1,0), июлда – 0,3-1,5 (0,6). Ёзнинг охири ва кузда сони 0,2-1,0 (0,2) ўзгарди. Газли атрофида мартда зичлиги 0,3, апрелда – 0,6, майда – 0,7, Яккачакка баҳорда - 1 дона/га.

Матрап тўғаракбошининг Қарнабчўлда сони баҳор ва кузда 0,1 дона/га ташкил этади. Газли атрофларида мартда 0,9 га/дона, апрелда – 1,7, майда – 1,8. Яккачакка қумларида баҳорда зичлиги 1,4 дона/га.

Тароқ бармоқли геккон Газли атрофида баҳорда 0,2 дона/га учради.

Каспий геккони Қарнабчўлда йил давомида сони 1 дона/га ошмайди.

Туркестон ва кул ранг гекконлари кам учрайди (0,1-0,2 дона/га).

Сцинк геккони Газли атрофида мартда 3 дона/га гача (ўртача 0,4 дона/га) қайд этилди, апрелда – 1-9 (2,3), майда – 1-2 (0,6).

Ўртача калтакесакча Қарнабчўлда баҳор мавсумида сони кўп эмас (0,1 – 0,3 дона/га). Ёзда сони ортади (0,6-0,8), ва кузда яна пасаяди (0,3). Газли атрофларида мартда зичлиги 0,5 дона/га, апрелда - 1,9, майда - 2,0. Яккачакка қумларида баҳор мавсумида сони 0,6-0,7 дона/га.

Чизикли калтакесакча Қарнабчўлда баҳорда кам (0,1-0,2) учрайди. Ёз (3,0) ва кузда сони (сентябрда - 0,4, октябрда – 0,2) барқарор эмас. Газли атрофларида апрелда 1-3 дона/га саналди (ўртача 0,5), майда – 0,5-2 (0,6). Яккачакка қумларида 1 дона/га калтакесак саналди.

Тарғил калтакесакча кам сонли тур. Қарнабчўлда баҳор даврида зичлиги 0,1 дона/га, ёзда – 0,3-0,6, кузда – 0,1. Газли ва Яккачакка қумларида баҳор даврида 0,1–0,7 дона/га учрайди.

Тез калтакесакча Қарнабчўлда баҳорда 1-5 дона/га учради. Ёзда айрим кунлари 8,5 гача ҳисобга олинди. Кузда унинг сони камайди (сентябрда – 0,4, октябрда – 0,7). Газли атрофида мартда зичлиги 0,1 дона/га тенг, апрелда (1,1) ва майда (1,2) сони кўтарилади. Яккачакка қумларида зичлиги 0,3.

Бўз эчкемар, қум ва шарқ бўғма илонлари, кўндаланг-йўлли, холдор чипор илонлар ва ўқилонни Қарнабчўлда зичлиги 0,1-0,2 дона/га ошмайди. Газли ва Яккачакка қумларида баҳорнинг айрим кунларида кузатилди.

Бу биотопда рептилиялар сони йил давомида сезиларли ўзгаради (баҳорда 5,7 дона/га, ёзда – 9,2, кузда – 2,2). Доимий равишда 6 тур (*B. viridis*, *T. horsfieldii*, *T. agilis*, *Ph. helioscopus* ва *Ph. reticulatus*, *E. velox*) учрайди. Кам сонли рептилиялар 13 турдан (*C. eversmanni*, *T. caspius*, *T. fedtschenkoi*, *M. russowi*, *T. scincus*, *E. intermedia*, *E. lineolata*, *E. scripta*, *V. griseus*, *E. miliaris*, *E. tataricus*, *P. karelinii*, *P. lineolatus*) иборат.

4.3. Тақир ерлар герпетофаунаси ва сонининг ўзгариш динамикаси. Ўрганилган биотопда 3 туркум (*Testudines*, *Sauria* u *Serpentes*) 7 оилага (*Testudinidae*, *Agamidae*, *Gekkonidae*, *Lacertidae*, *Varanidae*, *Boidae*, *Colubridae*) мансуб 14 тур судралиб юрувчилар рўйхатга олинди.

Ўрта Осиё чўл тошбақаси Қарнабчўлда мартда 0,6-2,8 дона/га ҳисобланди, апрелда – 0,5-1,3, майда – 0,2-1,5. Газли атрофи ва Яккачакка қумларида 1 дона/га зиёд учрамади.

Тақир тўғаракбоши Қарнабчўлда мартда сонининг зичлиги 0,5 – 2 дона/га ташкил этди, апрелда – 0,5-1,6, майда – 0,3-1,5. Июнда зичлиги 0,5-5 дона/га, шу миқдор ёз ойларда ҳам сақланди. Кузда эса камайди (октябрда – 0,5-1,5). Ёш ва вояга етганлари нисбати 1,4:1,0 тўғри келади. Газли ва Яккачакка тақирларида баҳор ойларда 0,3-0,6 дона/га учради.

Матрап тўғаракбоши Қарнабчўл, Яккачакка қумларида баҳор - куз ойларида 0,5 - 1 дона/га қайд этилди. Баҳорда зичлиги 0,3 дона/га, ёзда – 0,4, кузда – 0,1. Газли атрофлари баҳорда 1,0 дона/га, ёзда – 1,1, кузда – 1,2.

Дашт агамаси Қарнабчўлда мартда 0,5-4 дона/га, апрелда – 0,5-1, майда – 0,3-2,2. Ёз ойларида сони ўсади. Сентябрьда вояга етганлари ва ёшларини нисбати 1,0:1,0. Баҳор мавсумида зичлиги 0,7 дона/га, ёзда – 2,2, кузда – 0,9. Газли атрофларида баҳорда 0,5 дона/га, ёзда – 0,7, кузда – 0,8. Яккачакка тақирларида зичлиги паст - 0,3 га/дона.

Каспий геккони Қарнабчўлда баҳор ва ёз ойларида зичлиги 0,1 дона/га.

Кул ранг геккон Газли ва Яккачакка қумларида мартда зичлиги 0,2 дона/га, апрелда - 0,1, майда – 0,3.

Ўртача калтакесакча март ва апрель ойларда 0,1 дона/га ҳисобга олинди, майда - 0,2. Ёз ойларида сони ўсди (0,4 – 0,6). Сентябрь ва октябрда 0,1 дона/га. Газли ва Яккачакка қумларида зичлиги мартда 0,3-0,7 дона/га, апрелда – 1,0-1,1, майда – 1,1-1,3.

Чизиқли калтакесакча Қарнабчўлда мартда 0,5-2 дона/га, апрелда – 0,5-1,8, майда – 0,5-1 учради. Июнь-июлда 0,5-3 гача кузатилди, августда 0,5-5. Сентябрь ва октябрда ёш ва вояга етганлари нисбати 1,0:1,2. Баҳор мавсуми учун зичлиги 0,6 дона/га, ёзда – 1,3, кузда – 0,7. Газли ва Яккачакка қумларида баҳорги зичлиги 0,3-0,6 дона/га, ўртача 0,3.

Тарғил калтакесакчанинг Қарнабчўлда баҳор-ёз даврларидаги сони 0,3-2 дона/га, ўртача – 0,3. Газли ва Яккачакка қумларида сони кам (0,3-0,5).

Тез калтакесакча Қарнабчўлда мартда 0,5-2,8 дона/га ҳисобга олинди, апрелда – 0,5-3, майда – 0,5-5, июнда – 0,5-3, июлда – 1-2, августда – 0,5-4, сентябрда – 0,5-5, октябрда – 0,5-1. Баҳор мавсуми учун ўртача сони 0,9 дона/га, ёзда – 1,2, кузда – 0,8. Сентябрьда ёш ва вояга етганлари нисбати 1,6:1,0 тенг, октябрда – 1,0:1,0. Газли атрофларида баҳор ойларида зичлиги 0,4 дона/га эга, Яккачакка қумларида 0,2 дона/га.

Бўз эчкемар, шарқ бўғма илони, ўқилон, холдор чипор илонларнинг сони 0,1 дона/га ошмайди.

Маълумотлар таҳлили бўйича биотопда баҳорда 13 тур учради, ёзда- 11, кузда - 8. Рептилияларнинг сони мавсумий ўзгариб, баҳор ва куз ойларида ёзга нисбатан паст. Бу *Ph. helioscopus* ва *E. lineolata* ёшларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Баҳорда *Ph. helioscopus*, *T. agilis*, *E. lineolata*, *E. velox* сони жами рептилияларнинг 60,8% ташкил этади. Ёзда- 80,0%, кузда- 87,8%.

4.4. Шўрхок тупроқлар герпетофаунаси ва сонининг мавсумий ўзгариши. Қарнабчўлда 3 туркум (*Testudines Sauria u Serpentes*), 6 оилага (*Testudinidae, Agamidae, Lacertidae, Varanidae, Boidae, Colubridae*) мансуб 13 тур қайд этилди.

Ўрта Осиё чўл тошбақасини Қарнабчўлда мартда 0,9-3 дона/га этади, апрелда – 0,8-4, майда – 0,8-5 (баҳорда ўртача – 1,1).

Тақир тўғаракбошини баҳордаги сони 1,1 дона/га, ёзда – 0,8, кузда – 0,1.

Матрап тўғаракбоши мартда 0,8-5 дона/га учради, апрелда – 0,9-5, майда – 0,4-6,3. Июнда сони 0,8-3,0 ўзгариб турди, июлда – 0,5-5,0, августда – 1-7,5. Ёз ойларида уларнинг нисбати 1,1:1,0. Куз ойларида сони 0,8 дона/га.

Дашт агамаси Қарнабчўлда баҳорда 0,5-2,5 дона/га (0,7) учрайди, ёзда - 0,8-12,5 (2,6) дона/га ўсади.

Ўртача калтакесакча мартда 0,3 дона/га ҳисобланди, апрель ва майда – 0,1, июнда – 0,8-2,0, июлда – 0,5-1,0, августда сони сезиларли пасайди.

Чизикли калтакесакча мартда 0,8-2,5 дона/га ҳисобга олинди, апрелда – 1-2,5, майда 0,9-2,5 (ўртача – 0,7). Июнда 1,6-3,0 дона/га ташкил этди, июлда – 0,8-5,0, август – 0,8-10 (1,7).

Тарғил калтакесакча йил давомида номунтазам ва кам сонда учрайди. Мартда 0,5-1,0 дона/га, апрелда – 0,8-4, майда – 0,9-1,0, июнда – 0,8-1,0, июлда – 0,5-1,6, августда – 1,0-2,5.

Тез калтакесакчани мартда сони 1,6-3,3 дона/га, апрелда – 0,8-14, майда – 0,9-4, июнда – 0,8-2,5, июлда – 0,8-5,0, августда – 1,0-4,0. Кузда камаяди.

Бўз эчкемар, шарқ бўғма илони, кўндаланг йўлли чипор илон, ўқилон, холдор чипор илон Қарнабчўлда баҳор ойларида зичлиги 0,1-0,2 дона/га.

Бу биотоп асосини дашт агамаси, тақир ва матрап тўғаракбошлари ташкил қилади. Ўртача, чизикли, тарғил ва тез кетакесакчалар кам учрайди. Бўз эчкемар, шарқ бўғма илон, кўндаланг йўлли ва холдор чипор илонлар, ўқилон камдан кам учрайдиган турлар ҳисобланади.

4.5. Майда тош-шағалли тупроқлар герпетофаунаси ва сонининг мавсумий ўзгариши. Баҳор мавсумида Қарнабчўлда рептилияларнинг 3

туркум (*Testudines*, *Sauria*, *Serpentes*), 6 оилага (*Testudinidae*, *Agamidae*, *Lacertidae*, *Varanidae*, *Boidae*, *Colubridae*) оид 13 тури рўйхатга олинди (*T. horsfieldii*, *Ph. helioscopus*, *Ph. reticulatus*, *T. agilis*, *E. intermedia*, *E. lineolata*, *E. scripta*, *E. velox*, *V. griseus*, *E. tataricus*, *P. karelini*, *P. lineolatus*, *S. diadema*).

Чўл тошбақаси, чўл агамаси, тез калтакесакчалар одатий турлар бўлиб, мартда уларнинг умумий сони 3,3 дона/га, апрелда - 3,8, майда - 2,9.

Ёз мавсумида судралиб юрувчиларнинг таркиби 11 турдан иборат, улар 2 туркум (*Sauria*, *Serpentes*) ва 4 оила (*Agamidae*, *Lacertidae*, *Boidae*, *Colubridae*) вакиллари ҳисобланади. Ёзда чўл агамаси, чизикли ва тез калтакесакчаларнинг зичлиги юқори бўлди. Июнда сони 2,0 дона/га ташкил этади, июлда – 3,2, августда – 4,9.

